

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR: DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022


# 2022

УЧЕНЫЙ — ТОТ, КТО  
МНОГО ЗНАЕТ ИЗ КНИГ;

ОБРАЗОВАННЫЙ — ТОТ, КТО  
УСВОИЛ СЕБЕ ВСЕ САМЫЕ  
РАСПРОСТРАНЕННЫЕ В ЕГО  
ВРЕМЯ ЗНАНИЯ И ПРИЕМЫ;

ПРОСВЕЩЕННЫЙ — ТОТ, КТО  
ПОНИМАЕТ Смысл Своей Жизни.

LEV TOLSTOY  
(1828-1910)



OKTYABR  
№ 45



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir  
Temur ko'chasi, pr.l, 2-uy.



+998 97 420 88 81



+998 94 404 00 00

[www.taqiqot.uz](http://www.taqiqot.uz)



[www.conferences.uz](http://www.conferences.uz)

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ  
АНЖУМАНЛАР:  
3-ҚИСМ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ  
КОНФЕРЕНЦИЙ:  
ЧАСТЬ-3**

---

**NATIONAL RESEARCHES OF  
UZBEKISTAN: CONFERENCES  
SERIES:  
PART-3**

**ТОШКЕНТ-2022**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 45-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 11 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиши ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишлиланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илгор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохигда Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛANIШЛАР**

<b>1. Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович</b>	
АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИДАН .....	7
<b>2. Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович</b>	
ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ	
ФАОЛИЯТИДАН .....	9



## ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИДАН

**Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович**

Андижон давлат тиббиёт институти бўлим бошлиғи,  
тариҳ фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Телефон: +99893 442-52-00

Abduraxmon777@mail.uz

**Аннотация:** Мақолада Андижон вилоятида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш масалалари, аҳоли соглигини муҳофаза қилиши, уларга тез ва сифаттли тиббий ёрдам кўрсатиш масалалари ёритилган.

**Калим сўзлар:** Тиббий хизмат, амбулатория-поликлиника, «Оиласий шифокор».

Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш жамиятнинг энг муҳим ижтимоий вазифаларидан хисобланади. Инсон барча нарса ва қадриятларнинг бош мезони. Муаммонинг айнан мана шу жиҳати ижтимоий муносабатлар тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини экстенсив ривожлантириш йўлидан воз кечилиб, узил-кесил интенсив такомиллаштириш йўлига ўтилди.

1998 йил ноябрь ойида тиббий соҳани ислоҳ қилиш Дастири асосида Андижон шаҳрида вилоят клиник шифохонаси ўрнида 350 ўринли Ўзбекистон Республикаси шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон вилояти филиали ташкил этилди. Андижон шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси ва вилоят санитария-авиация станцияси ушбу филиал тасарруфига ўтказилди. Шошилинч тиббий ёрдам марказлари замонавий, хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган диагностика ва даволаш асбоб-ускуналари ҳамда аппаратлари билан жиҳозланди.

Вилоят туманларида шошилинч тиббий ёрдам тизимини яратиш мақсадида 3 та шаҳар ва 14 та туман марказий шифохоналари қошида 390 ўринли 17 та субфилиаллар ташкил топди.

Бу даврга келиб, вилоят аҳолисига 6 минг 271 нафар врач, шундан 8,4 фоизи олий тоифали, 29,3 фоизи биринчи тоифали ва 8,2 фоизи иккинчи тоифали, 21 минг 445 нафар ўрта тиббиёт ходими, шулардан 2,3 фоизи олий тоифали, 23,5 фоизи биринчи тоифали, 4,1 фоизи иккинчи тоифали тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатган. 2000 йилда 1 минг 59 нафар врач, 2 минг 639 та ўрта тиббиёт ходимлари ўз малакаларини оширди. Вилоят ва туман марказий касалхоналари ҳамда эпидемиология марказлари бош врачлари эгаллаб турган лавозимига кўра аттестация комиссиясидан ўтказилди.

Вилоятда ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва касб маҳоратларини ошириш масалалари маҳаллий ҳокимият дикқат-эътиборида бўлди. Натижада Андижон, Асака тиббиёт билим юртлари тиббиёт коллежларига айлантирилди. Андижон давлат тиббиёт институтида олий тоифали ҳамширалар тайёрлаш йўналиши очилди.

Шифокорлар малакасини ошириш ва аттестациядан ўтказишида илғор мамлакатлар тажрибалари қўлланила бошланди. Тиббий хизматнинг синалган усулларидан фойдаланиб, шифокорлар тайёрлаш дастури жорий қилинди. Ҳар минг аҳолига ўн беш нафар шифокор, сал кам олтмиш нафар ўрта малакали ходимларнинг тўғри келганлиги мамлакатда бу соҳада дадил қадамлар ташланаётганидан далолатdir. Юртбошининг тиббий хизматни кишлоқнинг ўзида кучайтиришга қаратилган кўрсатмалари халқимизнинг узок давлардан бери қийнаб келган орзуларини амалга оширди.

Ҳозирги даврда давлат раҳбари томонидан соҳани ислоҳ қилиш учун кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ш.Мирзиёев Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимида сўзлаган нутқида бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши вазифаларига тўхталиб, «Биз учун бебаҳо бойлик бўлган инсон саломатлигини асраш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасини, энг



аввало, унинг бирламчи бўғинидаги бўйинмалари, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, тез тиббий ёрдам ва юқори технологиялар асосида хизмат кўрсатадиган, ихтисослашган маҳсус марказларни янада ривожлантириш юзасидан чоратадбирлар комплексини амалга ошириш хукуматнинг эътибор марказида бўлиши даркор», дея таъкидлаб ўтган эди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкунки бугунги кунда республикада бўлгани сингари Андижон вилоятида ҳам соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хусусий шифохоналар, туманнинг сўлим гўшаларда жойлашган сиҳатгоҳлар фаолияти йўлга қўйилган. Уларда мамлакатнинг турли жойларидан ва қўшни давлатлардан ташриф буюрган фуқаролар нафақат соғлиқларни тикламоқдалар, балки, ҳаёти учун ҳавфли бўлган турли касалликларга чалинишини олдини олмоқдалар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - Б. 16.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.
3. ЎзР ПАА, 975-фонд, 20-рўйхат, 21-йигмажилд, 207-варақ.
4. Шокаримов С., Султонов А. Жаннатмакон Андижон.-Тошкент: Тошкент Ислом Университети, 2002.- Б. 68.
5. ЎзР ПАА АВБ, 4141-фонд, 6,8, 11-рўйхат, 29, 31,34, 81-жиғма жилд.
6. Жалилов С., Комилов С. Избоскан ва избосканликлар. – Тошкент: VEKTOR-PRESS, 2007. - Б . 131.
7. Андижоннома, 2019 йил 1 январь.



**ФАРГОНА ВИЛОЯТИДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУАССАСАЛАРИ  
ФАОЛИЯТИДАН**

**Абдухалимов Абдурахмон Абдумўминович**

Андижон давлат тиббиёт институти бўлим бошлиғи,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Телефон: +99893 442-52-00

Abduraxmon777@mail.uz

**Аннотация:** Мақолада Фарғона вилоятида Қишлоқ врачлик пунктларини янгидан қуриш ва мавжудларини таъмирлаши, тиббий муассасалар, амбулатория ва поликлиникаларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳамда аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилган ишлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** Қишлоқ врачлик пункти, тиббий муассасалар, амбулатория, поликлиникалар.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг барчаси инсон манфаатига қаратилгандир. Мамлакат аҳолисининг фаровон ҳаёт кечириши, ўз ҳаётидан кўнгли тўлиб яшши унинг соғлом бўлишига боғлиқ. Мазкур йўналишда олиб борилган ислоҳотларни биз Фарғона вилояти мисолида таҳлил килиб ўтамиз. 1992 йилда Фарғона вилояти Қува ва Риштон туманларида поликлиника, Тошлоқ туманида 60 ўринли шифохона, Киргули ва Бағдод туманларида тиш даволаш поликлиникалари фойдаланишга топширилган. Қишлоқ жойларида истиқомат қилган аҳоли саломатлигини сақлаш йўлида 94 та шифохона, 266 та поликлиника ҳамда 638 та фельдшер-акушер пунктлари доимий равишда хизмат кўрсатган. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими томонидан қишлоқ аҳолисига кўрсатилган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш мақсадида жойларга чиқишилар ташкил этилган. Қишлоқ аҳолиси учун туманлардаги 11 та юқумли касалликлар шифохоналари қошида реанимация бўлимлари ташкил этилган. Оғир беморларни ўз вақтида ихтисослашган вилоят шифохоналарига келтириш учун санитария-авиация бўлими қошида 3 та ихтисослаштирилган жонлантирувчи бригадалар фаолияти йўлга кўйилган. Олтиариқ ва Данғара туманларида ташхис марказлари ҳамда 9 та туманда хорижий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган диагностика марказлари фаолият кўрсата бошлаган.

1993 йилда вилоят аҳолисининг 69,3 фоизи қишлоқда истиқомат қилган. Аҳолига 638 та фельдшер-акушерлик, 143 та қишлоқ амбулаторияси ҳамда 37 та қишлоқ участка шифохоналари тиббий хизмат кўрсатган.

Кейинги йилларда вилоятида жами 815 ўрин-жойга эга бўлган замонавий шифохоналар, 324 беморни қабул қилиш имконига эга амбулатория ва поликлиникалар ишга туширилди. Тошлоқ туманида 60 ўринли участка шифохонаси, Бешариқ туманида 120 ўринли оналар-болалар санаторияси шулар жумласидандир.

Бу даврда Фарғона вилоятининг 28 та қишлоқ участка шифохонаси, 98 та қишлоқ врачлик амбулаторияларида 1 минг 217 та кундузги ўрин-жойларда 34 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси ўз саломатлигини тиклаган. Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи 385 мингдан зиёд туғиши ёшидаги аёлларнинг соғлиқини сақлаш мақсадида улар мунтазам равишда тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштириб борилган.

2009 йилда Фарғона вилояти аҳолисига 12 минг 801 та ўрин жойга эга бўлган 78 та шифохона, 403 та амбулатория-поликлиника муассасалари, 20 та тез тиббий ёрдам станциялари ва бўлимлари, 6 та санатория, 20 та давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари хизмат кўрсатган.

Сўнгги йилларида вилоят қишлоқ амбулатор-поликлиника муассасалари сонини таҳлил қиласак, ҚВПлар 2015–2020 йилларда Фарғона вилояти Риштон, Фурқат, Учкўприқ, Ўзбекистон туманларида 2 тага, Данғара, Қува, Ёзёвон туманларида 4 тага, Бешариқ, Қўштепа туманларида 5 тага, Тошлоқ, Фарғона туманларида 8 тага Бағдод ва Бувайда туманларида 15 тага камайган. Лекин, бу кўрсаткич Олтиариқ туманида 1 тага, Сўх туманида эса 2 тага ортган.

Сўнгги йилларда олиб борилган ислоҳотлар натижасида қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий



хизматни сифат жиҳатидан янги боскичга қўтариш мақсадида умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва 5 нафар ўрта тиббиёт ходимидан иборат «Тиббий бригадалар» ташкил этилиб, «оилавий шифокор» пункти ва оилавий поликлиникалар фаолияти йўлга қўйилди. «Қишлоқ шифокори» дастури доирасида олис худудларда эл дардига малҳам бўлаётган мингдан ортиқ врачга 30 миллион сўмдан ёрдам пули берилиши йўлга қўйилди ҳамда улар хизмат уйлари билан таъминланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда, жумладан Фарғона вилоятида ҳам соғлиқни сақлаш соҳасида ижобий ишлар олиб борилди. Янгидан-янги замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қурилиб, моддий-техник, лаборатор жиҳозлар ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Чекка қишлоқлардаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам олий тоифали мутахассис шифокорларнинг фойдалияти йўлга қўйилди. Бир неча юз минглаб қишлоқ аҳолиси шу ернинг ўзида дардига шифо топдилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. - Б. 16.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2020 йил 30 декабрь.
3. ФВДА, 1220-фонд, 1-рўйхат, 5, 59, 60-ийғмажилд.
4. ФВДА, 1220-фонд, 2-рўйхат, 6, 60, 161-ийғмажилд.
5. ЎзР ПАА ФВБ, 2048-фонд, 21-рўйхат, 27-ийғмажилд, 50-варақ.
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)

# **ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 3-ҚИСМ**

**Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович  
Мусаҳҳих: Файзиев Фаррух Фармонович  
Саҳифаловчи: Шахрам Файзисв**

**Эълон қилиш муддати: 31.10.2022**

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000